Аллоҳ таоло Зумар сурасининг 10-оятида шундай дейди:

«Ҳеч шак-шубҳа йўқки, сабр-тоқат қилувчиларга ажр-мукофотлари беҳисоб, тўла-тўкис қилиб берилади.»

Бақара сурасининг 155-оятида шундай дейди:

«..сабр қилувчиларга хушхабар беринг».

□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□ :□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□ □□□ □□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□» :□□□□□ □□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□ «□□□□□□□□□□□□ □□□□ □□□□ □□□□) □□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□ □□□□ □□□ □□□□□□□ □□□□□□□).

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Бир аёл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Мен тутқаноқ тутиб беҳуш бўламан ва кийимларим очилиб кетади. Менинг ҳаққимда Аллоҳга дуо қилинг», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар ҳохласангиз сабр қиласиз ва сиз учун жаннат бўлади, ҳохласангиз Аллоҳдан сизга шифо сўраб дуо қиламан», дедилар. У: «Сабр қиламан, фақат Аллоҳга дуо қилинг, (тутқаноқ пайтида) очилиб кетмайдиган бўлай», деди. Ул зот унинг ҳаққига дуо қилдилар.

□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□» :□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□ □□□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□□

□□□□) «□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□).

Имом Муслим Суҳайб розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўминнинг иши қизиқ, унинг барча ишлари яхшиликдир. Бу фақат мўмин учундир. Агар унга бирон хурсандчилик етса, шукр қилади ва бу унга яхшиликдир. Агар бирон кулфат етса, сабр қилади ва бу ҳам унга яхшиликдир», дедилар.

□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□» :□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□) «□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□).

Имом Термизий Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмон киши агар одамларга аралашиб юрса ва уларнинг озорларига сабр қилса, у одамларга аралашмайдиган, уларнинг озорларига сабр қилмайдиган мусулмондан яхшидир», дедилар.

Шарҳ:

Динимизда сабр катта аҳамиятга эга бўлиб, диннинг ҳаммаси сабр устига қурилган: Аллоҳнинг тоат-ибодати устида сабр қилиш, Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан ўзни тийишда сабр қилиш, Аллоҳнинг тақдирига сабр қилиш каби. Сабр қилувчи киши Аллоҳга итоат қилиб, Унинг ажру савобини истагани туфайли охир-оқибат албатта фойда қилади. Зотан, бесабрлик ва жазавага тушиш билан қадарни ўзгартириб бўлмайди.

Copyright 2022 • **Ислом Нури** • www.islomnuri.com

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Сабр фазилатли сифат, унинг диндаги манзилати олий.
2. Сабр жаннатга эришиш сабабларидан.
3. Одамларнинг озорларига сабр қилиб улар билан аралашиб юриш, аралашмай четга чиқиб олишдан афзал.

Copyright 2022 • **Ислом Нури** • www.islomnuri.com